Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 10 апрель • Шанба • №41 (14069) ترکستان ✻ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

МАДҲИЯМИЗ—ФАХРИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

М. БУРХОНОВ мусиқаси
А. ОРИПОВ шеъри

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она-юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ
THE NATIONAL ANTHEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГИМН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Давлат мадҳияси, умуман мадҳия дейилганда негадир кишининг энсаси қотадиган бўлиб қолган эди. Энди бундай ўйлаб қарасак, бу бекорга эмас экан. Бировнинг аравасига тушганимиз камлик қилганидек, унинг қўшиғини ҳам айтишимиз оғир эди-да. Шукр, у кунлар ҳам ортда қолди. Бугун биз мустақил давлатмиз. Мадҳиямиз ҳам ўзимизники. Ҳа-ҳа, у бутун матни, мағзи билан ўзимизники, ўзбекларники. Ўбекистонликларники! Энди биз уни фахрланиб ёд оламиз, ғурурланиб куйлаймиз. Унда халқимизнинг ўтмиши, бугуни, эртаси мужассамлашган. Ахир шундай нарсани ёд олмаслик гуноҳ-ку!

Давлатимизнинг мадҳияси барча матбуот воситалари орқали эълон қилинганда қанчалар қувонган эдик. Яқинда мадҳиямиз Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига қарашли «Ўзбекистон» нашриётида букланадиган, кичик китобча ҳолида чоп этилди. Энг асосийси, мадҳия матни ва мусиқаси биргаликда берилган. У кенг омма учун мўлжаллангандир.

СОҒЛОМ АВЛОД МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИДИР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ ЁШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

АЗИЗ ТЕНГДОШЛАР!

Бизнинг беғубор ёшлигимиз Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларга тўғри келяпти. Бу ҳаммадан катта масъулият ва фидойиликни талаб этиши табиий.

Президентимизнинг сизу-бизнинг ёрқин келажагимизни таъминлаш соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, ҳаммангизни янги оммавий ҳаракатга — инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарарли бўлган одатлар — чекиш, спиртли ичимликлар ичиш каби миллатимизнинг тарихига, анъаналарига, руҳиятига тўлалигича зид бўлган иллатларга қарши кураш ҳаракатига чақирамиз. Дунёнинг илғор мамлакатларидан ҳисобланмиш Америқо, Франция ва бошқа кўпгина давлатларда ҳам шу каби ҳаракатлар мавжуддир. Бу давлатларда чекувчиларга қарши жуда кучли қонун-қоидалар ишлаб чиқилган. Масалан, Америқода кўча ёки тротуарларда чекканлик учун 50 доллар атрофида жарима ундирилади. Бошқа хорижий давлатларда бундан ҳам кескинроқ жазолар белгилаб қўйилган.

Бизнинг мақсадимиз — бошлаётган ҳаракатимиз туфайли Ўзбекистонда чекувчилар сонини кескин камайтириш, сигарета ва папирос тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ тижораткорлик кенгайишига йўл қўймасликдир. Бу ниҳоятда муҳим вазифа биздан катта масъулият ва сезгирликни талаб қилади. Чунки дунёда «Наркобизнес» номини олган заҳарли ишбилармонлар эндиликда ўтмас матоҳларини собиқ СССР давлатларига, хусусан Марказий Осиё мамлакатлари бозорларига тиқиштирмоқдалар.

Тўғри, чиройли безатилган Америқо сигаретасини чекиб, ўзини юқори кўрсатмоқчи бўлган димоғдор ёшларимиз кам эмас. Лекин бизнинг ўтмиш аждодларимиз орасида тамаки чекиш каби зарарли одатлар ҳеч қачон қадрланмаган. Бугунга келиб эса ёшлар, ўсмирлар, ҳатто айрим қизлар, аёллар ҳам чека бошладилар. Бу миллат илдизларига урилаётган оғир зарбалардир. Биз шу каби заҳарли оғулар, спиртли ичимликлар билан ўз вужудимизни, қолаверса келажак авлодни заҳарлаётганимиздан ким манфаатдор? Агар ўзбек миллати соғлом, ақлан ва руҳан тетик, жисмоний бақувват бўлиб ўсса, бунда кимнинг режалари пучга чиқади? Бу ҳақда ҳам чуқур ўйлаб кўрайлик.

Келинг, тенгдошлар, бугундан эътиборан миллатимиз келажаги учун «Соғлом авлод учун» ҳаракатига қўшилайлик. Зарарли одатларни ёппасига ташласак, бу ҳам мустақилликни мустаҳкамлашга қўшган катта маънавий ҳиссамиз бўлади.

Бу борада бизнинг университетимизда ҳамма томондан қўллаб-қувватланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Аввало университетимиз чекилмайдиган ва спиртли ичимликлар ичилмайдиган ҳудуд, деб эълон қилинди. Биз бу борада ичиш ва чекишга қарши энг яхши карикатуралар, сатирик лавҳалар, ҳажвий шеър ва ҳазиллар учун танлов эълон қилдик. Талаба гуруҳлари ўртасида ушбу мавзуда қизиқарли баҳс-мунозаралар ўтказилиб, топқирлар танлови бўлиб ўтмоқда. Яқинда ғолиблар аниқланиб, улар университетимизнинг турли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Республикамизнинг барча ёшлари бизнинг бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИ НОМИДАН.

Ўтиш даври сабоқлари

НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМ

Самарқанд вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXVI конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси биринчи котиби Бўрибой Бўронов, вилоят Ёшлар Иттифоқи назорат қўмитаси раиси Фурқат Отабоевларнинг ҳисобот маърузалари тингланди.

Конференция ишида вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов, вилоят халқ демократик партиясининг биринчи котиби Шер Ғиёсов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби Комилжон Жуманиёзовлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Бўлиб ўтган биринчи ташкилий пленумда вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби этиб Б. Бўронов, котиб этиб Нарзулла Ҳазратовлар бир овоздан сайландилар.

(Конференция ҳақидаги батафсил мақола билан газетанинг кейинги сонларида танишасиз).

(Ўз мухбиримиз).

Шу сенга хабар

АТАМАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Термизда «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қўлланиладиган ўзбекча атамалар» мавзусида республика илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Унда Термиз давлат дорилфунуни билан Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти етакчи олимларининг «Атамалар тарихимиз ва маънавиятимиз кўзгусидир», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Жисмоний тарбия атамалари бебаҳо қадриятимиздир» мавзуидаги маърузалари тингланди.

ЙЎЛ ҲАҚИ — ТЕКИН

Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокими махсус фармойиш чиқарди. Унга биноан 1 апрелдан бошлаб вилоят оммавий ахборот воситалари тизимида ишловчи Ўзбекистон Республикаси журналистлар уюшмаси аъзоларига, шунингдек, ёзувчилар уюшмаси аъзоларига хизмат бурчини ўташ пайтида жамоат транспортларида бепул юришга рухсат берилди.

(Ўз мухбиримиз).

МОМОГУЛНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Ҳозирги замонда айрим устомонлар пул топишнинг шунчалик ҳадисини олишганки, уйдан чиқмасалар ҳам бойлик оқиб келаверади. Термиз шаҳрининг Акмал Икромов кўчасидаги уйлардан бирининг соҳибаси Момогул Жумаева ана шундай «тадбиркор»лардан экан. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари унинг уйига чет эл фуқаролари, сурхондарёлик айрим «учар»лар тез-тез келиб туришини аниқладилар.

Текширув чоғида Момогулнинг уйида чет элда тайёрланган 15 миллион сўмлик мато ва буюмлар чиқди. Текширув ишлари давом этмоқда.

ФЕСТИВАЛГА МАРҲАБО!

Андижон ҳокимининг фармойишига кўра вилоят шаҳар ва туманларида яқинлашиб келаётган Ғалаба байрами — 9 майдан бошлаб «Гулла, яшна, жон Андижоним!» шиори остида санъат ва меҳнат фестивали ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Нодирабегимнинг таваллуд кунларига бағишланган бу тадбирни ўтказишдан мақсад ўзбек халқининг миллий маданияти ва санъатини янада бойитиш ва халқ ҳунармандчилигини тарғиб этишдан иборат.

АЛЛОМА НОМИДАГИ КИНОСТУДИЯ

Бухорода Исмоил ал-Бухорий номидаги киностудия очилди. Янги ижодий уюшма шу кунларда «Бухоро куйлари» номли мусиқали ҳамда аллома Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига бағишланган ҳужжатли-оммабоп фильмни суратга олишга ҳозирлик кўрмоқда.

ПРОФЕССОР ПУТЛИЦ САМДУ МЕҲМОНИ

Яқинда Самарқанд дорилфунунига Германиянинг Гейдельберг университети физика институти директори, профессор Гизберг Цу Путлиц ташриф буюрди. Г. Путлиц жаҳоннинг бир қанча илмий марказлари фахрий профессори, лазер стероскопияси соҳасидаги йирик олимдир. Ташрифдан асосий мақсад эса — Германия Физика институти билан Самарқанд дорилфунуни ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, юқори кадрлар етиштириш борасидаги тузилган шартномани ривожлантириш, дипломатик мутахассисларни илмий даража олиш учун Германия илмий марказларига қабул қилишдир.

Профессор Путлицга дорилфунун тарихида биринчи марта фахрий профессорлик унвони берилди.

А. САИДҚОСИМОВ.

САРАЛАРНИНГ САРАСИ

Яқинда Республика Талабалар жамғармаси ҳамда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўшма қарор қабул қилди. Унга мувофиқ 5 нафар илм толиби 2000 сўмдан иборат бўлган махсус стипендияларни йил давомида оладилар. Талабаларга қўйиладиган талаб қуйидагича: улар аъло ўқиши, жамоат ишларида қатнашиши, ён-веридагиларнинг ҳурматига сазовор бўлишлари, хуллас, саралар ичида энг сараси бўлмоғлари шарт. Ушбу стипендияга Тошкент техника университети, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қорақалпоғистон давлат дорилфунунларидан биргина талаба номзод қилиб кўрсатилиши мумкин.

ЭРТАПИШАР ЁНҒОҚ

Сурхон воҳасининг тоғ ва тоғолди қишлоқларида азал-азалдан жайдари ёнғоқ дарахти ўсади. Аммо улар 15—20 йилда ҳосил беради.

Денов туманидаги «Ҳазарбоғ» давлат хўжалигида Олим Норқобилов бошлиқ кўчатчилик бўлими боғбонлари янги ёнғоқ навини яратди. Бу нав эрта ҳосилга кириб, меваси барвақт пишади, мағзи тўқ бўлади.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ЖАМҒАРМАСИ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси тинчлик ва ҳамжиҳатлик жамғармаси кенгашининг навбатдан ташқари ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари маъқулланди ва тасдиқланди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Кенгаш раиси М. Зоидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз лавозимидан озод қилинди. Кенгаш раиси этиб, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева сайланди.

Фидокорона меҳнати ва серунум ижодий фаолиятини Ўзбекистон юрти, халқи баркамоллигига бағишлаган шоира ҳамкасбимизни юксак лавозим билан табриклаб, тинчлик ва эзгулик йўлидаги ишларида ҳам улкан муваффақиятлар тилаймиз.



Куни кеча Мирзо Юсуф масжидида навбатдаги Қуръон тиловати мусобақаси ўтказилди. Фахрий ўрин тўрт нафар қорига насиб этди. Ўттиз беш ёшгача бўлган қорилар беллашувида Ҳабибулло Садриддин қори ўғли (тажвид бўйича) ва қирғизистонлик Носир қори Муҳаммад Ғози ўғли (ҳифз бўйича), ўн беш ёшгача бўлган қорилар баҳсида эса наманганлик Зоҳидилла Боймирза ўғли (тажвид бўйича), андижонлик Аҳмадулло Латифжон ўғли (ҳифз бўйича) фахрий ўринларни эгаллашди.

Аллоҳнинг назари тушган бу қорилар Исломнинг беш фарзининг сўнггиси бўлмиш Ҳаж зиёратига бепул сафар қилишадиган бўлди.

Сиз суратда андижонлик ҳифз бўйича 1-ўринни эгаллаган Аҳмадулло Латифжон ўғлини, тажвид бўйича 1-ўринни эгаллаган наманганлик Зоҳидилла Боймирзо ўғлини кўриб турибсиз.



Абдувоҳид ТЎРАЕВ суратлари.

УНУТИЛГАН МЕЪЁР

Бугуннинг гапи

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини муҳофазалаш учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг талон асосида сотилиши — вақтинчалик, аммо одил йўлдир. Эсингизда бўлса, бир вақтлар талон асосида ҳатто ароқ ҳам сотиларди. Ёки «Мана ичинг!» деб тақсимланарди. Ўша пайтлари ҳатто кекса кампирларнинг оила нормасини олаётганда қўлига бир, икки шиша ароқ ушлаб кетаётганини кўрсанг ҳам кулгинг келарди, ҳам нафсониятинг қўзғарди.

Биз қачондан бошлаб ичувчи бўлиб қолдик? Ҳайриятки, кейинча «ароқ нормасини» олиб ташлашди. Бу билан биз ҳушёрга айланиб қолмадик. Аксинча...

Бир вақтлар «ичимликсиз тўй» ўтказиш одат бўлганди. Ўша пайтлари қишлоқ Кенгашлари раислари, бригада бошлиқлари, маҳалла катталари ўз ҳудудларида ўтказилаётган тўй-томошада дастурхонга спиртли ичимлик тортилишини назорат қилишар, агарда белгиланган тартиб бузилса, ҳатто юқоридан дакки эшитишарди.

У замонлар ҳам ўтди. Ҳавасмандлар ҳар қандай таъқиқлашларга қарши ҳийла-найранглар ўйлаб топишди. Тўйларда дастурхонга «шайтон сув»ни чойнакларда тортишди. Кўпинча тўй сўнггида чекланган кишилар учун тунги базм уюштирилди. Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бу орада спиртли ичимликларнинг нарҳи кун аро ўсиб борди. Шунда айримлар агарда нарҳи ошса ичиш камаяр, деб ўйлашди. Қайда! Ҳозир аксинча ҳолат кузатиляпти. Бирорта тўй-базм йўқки, дастурхонда ароқ тортилмаса. Ҳатто, муқаддас санамиз — Наврўзи олам тантаналарида ҳам бу «шайтон ютқу» бизни тарк этмади.

Ҳеч кузатганмисиз, тижорат дўконларида пештахталарга энг кўп ёйиб ташланган маҳсулот нима? Албатта ароқ! Куни кеча биз бир неча навдаги ароқнинг номини биладиган бўлсак, бугун энг ашаддий ишқибоз ичувчи ҳам уларнинг турларини, атамаларини санаб саноғига ета олмайди. Бугун тижорат дўконларида энг паст нарҳдаги — 500 сўмлик оддий ароқдан тортиб, бир хумчаси йигирма икки минг сўм турадиган антиқа ароқлар тахлаб ташланган. Олдинлар одатда ярим литрлиги мўда эди. Энди исталган ҳажмдаги, исталган миқдордаги ранг-баранг шиша идишлардаги ароқлар кўзни қувонтиради. Зиёфатларда эса баҳслашув кетади: «Фалончи дастурхонга фақат «Распутин» чиқарганди. Нима, сенинг ундан кам жойинг борми?» қабилидаги. Бечора обрўсини тўкмаслик учун бор-будини сотиб бўлсада ўша лаънати, фосиқ Распутин номидаги ароқдан топишга мажбур.

Ҳазораспдаги машҳур чайқов бозорига борсангиз биринчи бўлиб кўзингиз қаторлашган шишаларга тушади. Ҳадди-сони йўқ. Бу ерда энг одат бўлгани — бир литрлик идишдаги тоза навли спиртлар. Бу зормандаининг бир литрига шу миқдор сув қўшилса, қарабсизки, тўрт шиша росмана ароқ тайёр! Икки киши давра қурсада шу зорманда ўртада, тўрт кишининг боши қовушсада — у ҳукмрон.

Тахминий ҳисобларга қараганда ҳар куни Ҳазорасп чайқов бозорида ўртача бир тонна спирт сотиляпти. Демак, икки тонна росмана ароқ! Ҳар кун аҳвол шу. Бу ёқда Ўрисиянинг узоқ шаҳарларига қатнаб спирт ташиётган ва чўнтагини қаппайтираётган ишбилармонларнинг ошиғи олчи. У ёқда эса кимлардир бу «янгилик»нинг ҳадисини ололмай, ошқозонидан айрилган, кимлардир заҳарланган, яна кимлардир маст бўлиб қўшнисини ҳақоратлаган, кимдир машина рулини бошқара олмай бирор бечоранинг бошига етган...

Биз спиртли ичимликни қатъий таъқиқлаш тарафдори эмасмиз. Бунга бир кунда, бир қарор билан эришиб бўлмайди. 1985 йилги қарорларнинг охир-оқибатини кўрдик. Аммо, ҳамма нарсада меъёр бўлишини истаймиз.

Табобат хулосалари — рад қилиб бўлмайдиган далолат. Миллатнинг носоғлом келиши, келгуси авлодларнинг жисмонан мажруҳ ва ожиз бўлиб ўсишларининг биринчи айбдори ҳам алкоголдир. Агарда бугун биз шу қадар ичимликка муккадан кетган эканмиз, эртангга кунимиз нима бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Яқинда Президентимиз фармони билан «Соғлом авлод учун» ордени жорий қилинди. Бу миллатнинг келажагини ўйлаб энг ибратли амалга оширилган жуда муҳим воқеадир. Истардимки, мазкур нишон билан тақдирланадиган шахснинг спиртли ичимликка муносабати ҳам эътиборга олинса. Яъни, ўзлари раҳбар бўлган ҳудудларда тўйларни ичимликсиз ўтказишни ташкил этган ва бунга эришган, ҳатто айтиш мумкин ўз ҳудудларига уни сотишни таъқиқлаган юртбошилар ҳам шундай нишонга тавсия қилинсалар. Ана шунда жуда олийжаноб иш бўларди.

Ҳамма иллатлар меъёр бузилган жойда рўй беради. Барча офат ва ҳалокатлар ҳам, Инсон танасидаги ақлу идрокни бузадиган биринчи восита ароқдир. Буни унутмаслик керак.

Демак, аввал бошда меъёрни унутмаслик шарт!

Рўзимбой ҲАСАНОВ,
журналист.

Ибрат

ИСТИҚБОЛГА ҚАРАТИЛГАН НИГОҲ

ЁҲУД УТМИШИНИ БИЛМАГАН ХАЛҚНИНГ ҚЕЛАЖАГИ БУЛМАЙДИ

«Мактаб тарихи» зарварақларидаги битиклардан:

«Мен нозик таъб туркгўй шоир Лутфий номи билан аталган мактаб ўқувчилари билан қарийб икки соат мулоқотда бўлдим. Мен болаларнинг бокира нигоҳи ва қарашларидан жаҳонгир Амир Темур, мунажжим Улуғбек, ҳазрати Навойи, Яссавий ва Қодирийларнинг руҳини сездим. Мен уларда Ватан туйғуси оловланганлигини кўрдим. Мен озод ўзбек болаларида гўзаллик ва билимдонликни ҳис қилдим. Мен уларда одамнинг энг бахтли вақти — бошқаларга эзгулик қилмоққа қодир онларни билдим...» дим...».

Сузи НЕТТЕЛЬТОН, амриқолик профессор.
1992 йил, 7 май.

Ҳа, хорижлик хонимнинг қалбини ҳаяжонга солган ҳис-туйғулар ўз мустақиллигини эълон қилган, ўн саккиз оламга юз тутаётган, мовий Байроғи 175 та мамлакат аъзо бўлган БМТ биноси олдида ҳилпираётган, ўз Герби, ўз Мадҳияси, ўз Давлат лисони, ўз Конституцияси, ўз Президентига мушарраф бўлган она юртим, мустақил Ўзбекистоним ва унинг бугунги бахтиёр фарзандлари туфайли бўлса ажаб эмас!

Қарийб бир юз қирқ йиллик мустамлакачиликдан сўнг ўз истиқлолимизни қўлга киритганимиз бугунги табаррук кунларда биз ким эдик, ким бўлдик, ким бўламиз каби сўроқлар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Зеро, илм-маърифатсиз, маънавиятсиз, ўтмиш меросини билмасдан туриб юқоридаги саволларга жавоб бера олмаймиз. Шукроналар бўлсинки, ечим топиляпти: бу — республика, жумладан Тошкент шаҳри ўқувчи ёшларининг ўз бобо ва момолари ўтмишини ўрганишга киришганлигидадир.

«Она халқим, юртим, ўтмишингга бир назар ташласам, не-не фозиллару шоирлар, оқиллару соҳибқиронларнинг замини бўлганлигингга ошно бўламан. Ўз бошидан аччиқ ситамларни кечирган, аммо фалакнинг ёзмиши экан деб, бўйин эгишини ўзига ор билган аждодларимиз жасоратидан ҳақли равишда фахрлансак арзийди»...

(Наргиза НУРИТДИНОВА, (10-«А» синф ўқувчиси).

«Маданий меросга ихлос» марказига қатнашдиму, авлод-аждодлар руҳига, ота-онамга меҳр ва ихлос билан қарайдиган бўлиб қолдим»..

(Махсума Ғаффорова, 9-синф ўқувчиси).

Марказ тингловчиларининг бундай дил сўзлари битилган кўплаб сатрларни келтиришим мумкин.

Ҳаммамизга маълумки, мустақил республикамизнинг бошқа соҳалари каби халқ таълими тизимида ҳам катта-катта тадбирлар амалга оширилаётир. Таълим муассасаларида ҳаёт тақозо этаётган талайгина муаммолар кун тартибига қўйилиб, адолатли ҳал этилишини давр талаб этмоқда.

Ана шундай долзарб муаммолардан бири— маданий меросни, ўтмиш аждодларимиз тарихини ўрганиш, билиш, тушуниш — ўзлигимизни англашдир. Чунки халқ, Ватан ва унинг фарзандлари ўзларини эркин ва мустақил ҳис қилишлари учун минг йиллик маданий меросимизни яхши билмоқлари зарурдир.

Амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлардан бири 1991 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг саъй-ҳаракати ва ташаббуси, яъни қарори билан мактабимизда иқтидорли болалар учун «Маданий меросга ихлос» марказининг иш бошлаганидир. Марказнинг иш фаолиятини уйғунлаштиришда Шайхантоҳур тумани ҳокимияти, айниқса, туман халқ таълими бўлимининг жонбозлиги катта омил бўлди.

Марказнинг асосий вазифаси ўтмишда яшаган ва жаҳон халқлари илму фанига, тариху маданиятига улкан ҳисса қўшган даҳоларга ҳурмат ва эътибор, улар меросини эъзозлаш ва ўрганиш жараёнида ўқувчи ёшларда ҳақиқий ватанпарварлик, миллий ғурур, фахр-ифтихор, юксак маънавий-ахлоқий, эстетик фазилатларни, бинобарин, Ватан ва мустақиллик туйғусини таркиб топтиришдан иборатдир.

Бугунги кунда марказнинг 300 дан ортиқ тингловчиси бўлиб, ўтган қисқа вақтда буюк сиймолар: ал-Хоразмий, ас-Самарқандий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Навойи, Беҳзод, Бобур, Нодира, Аҳмад Яссавий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ҳамид Сулаймонларнинг ҳаёти ва ижоди, авлодларга қолдирган бой ва ранг-баранг маданий-адабий мероси юзасидан қизиқарли маърузa ва суҳбатлар ўтказдилар, баҳс-мунозаралар, илм масканларига, музей ва кўргазмаларга саёҳатлар уюштирилди. Бобокалонларимизнинг бой хазинаси муқобил режа асосида ўрганилмоқда.

Марказ қошида «Назм ғунчалари», «Она тилим — олтин сандиғим», «Ёш Беҳзодлар», «Инсониятни гўзаллик асрайди» сингари маърифий ижодий-амалий тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Тўгаракларга мутахассис кишилар раҳбарлик қилмоқдалар.

Айниқса, назм тўгараги ўзининг «Ижод гулшани» ойномаси орқали ёш ижодкорларнинг шеърий дасталарини барчага инъом этмоқда.

Тарихимизнинг гултож безаги — миниатюра санъати сир-асрорларини ёшларга ўргатаётган «Ёш Беҳзодлар» тўгараги фаолияти айниқса таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, марказ фаолияти мактабимиздаги таълим-тарбия мазмуни билан узвий боғланган. Услубий гуруҳлар томонидан фан ойликлари ўтказилиб, у ёки бу алломанинг қолдирган мероси дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар орқали чуқур ўрганилмоқда. Масалан, «Навойи ойлиги», «Нодирабегим ойлиги», «Улуғбек ойлиги», «Яссавий ойлиги» каби...

«Навойи ойлиги» да «Ақл ва заковат эгаси» мавзуида ўтказилган қатор намунали дарслар, тарбиявий соатлар, «Нодирабегим ойлиги»да 9-«В» синфида ўтган «Давр Нодираси» номли муаммоли илмий дарс, «Беруний ва Ибн Сино» ойлигида 10-«Б» синфида бўлган «Буюк алломалар даврасида» номли «Ўткир зеҳнлилар» дарси, Яссавий йилига бағишланган баҳру байт дақиқалари, марказ ишлари ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Марказда фақат ташкилий ишлар билангина чекланмай, таълим жараёнида ҳам меросимиз, маданиятимиз тарихи жавоҳирлари болалар қалбига сингдириб борилмоқда. Фақат оғзаки баён бўлиб қолмаслиги учун олимлар, шоирлар, аждод давомчилари билан уюштирилган учрашувлар ҳам ишимизга мазмун қўшмоқда. Хусусан, Абдулла Авлонийнинг қизлари, Ҳамид Сулаймоннинг рафиқалари, шогирдлари мактабимизга ташриф буюришди. Улар билан бўлган суҳбат ўқувчилар тафаккурини янада теранлаштирди.

Ҳар бир ишнинг бисмиллоси, ҳар бир уйнинг остонаси бўлганидек, ҳар бир инсон бирон-бир авлоднинг, бирон-бир оиланинг давомчиси бўлади. Ҳар биримиз ўзлигимизни билмоғимиз учун, энг аввало, 7 авлодимизни билишимиз керак. Ўқувчиларимиз марказ фаолияти билан ўз авлодларини билиб, ўрганиб олмоқдалар. Бу ҳақда «Ёш куч» журнали махсус сонини марказ тингловчиларига бағишлади.

Мактабимизда Холид Расулнинг, Музайяна Алавиянинг неваралари ўқишмоқда. Қарангки, авлод қони таъсири бўлса керак, Х. Расулнинг қиз — неваралари катта истеъдод эгаси; ҳам аълочи, ҳам ўткир шоира, ҳам олимпиадалар ғолиби. Бундайлар кам дейсизми?!

Бизнинг мақсадимиз битта: комил инсонни тарбиялаш. Зеро, инсон боласи маънавий-ахлоқий, руҳий юксакликка кўтарилмас экан, у олға қадам боса олмайди, ҳаётдан орқада қолади.

Сўзимни марказ тингловчиси Адиба Турдиеванинг тўртлиги билан тугалламоқчиман:

Еруғ юлдузлардан
мавжланар само,
Ҳақиқат букилар,
синмайди аммо.
Чунки Қодирийлар
хазинасининг
Посбонлари бордир,
бизда доимо!

Йўлчи АБДУЛЛАЕВ,
Шайхонтоҳур тумани, Лутфий номли 254-ўрта мактаб қошидаги «Маданий меросга ихлос» маркази президенти.

Мабодо Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Май қишлоғига йўлингиз тушиб қолса, табиат гўзаллиги сизни мафтун этмай қўймайди. Бунга кафиллик берамиз. Оққум яйлови ҳам ўша мафтункор қирларни безаб турибди. Баҳор тароватн ўзгача кезаётган айни дамларда эса чиройга таъриф йўқ.

Яқинда биз қиёсини келтираётган ўша масканда катта бир тўю-тантана бўлиб ўтди. Қибрай тумани ҳокимияти элга кўпкари берди. Совринга бир ярим миллион сўмдан ошиқ жиҳозлар, мол-туёқ қўйилди. Тумандаги, қолаверса, қўшни хўжаликлардаги қадрдонлар ҳам қуруқ келмадилар.

Қозоғистон Республикаси туманларидан, шунингдек, Янгибозор, Бўстонлиқ, Паркентдан ташриф буюрган чавандозлар ўша куни роса томоша кўрсатишди. Эл-улус мазза қилди.

Ўлкамизда кезмоқда Наврўз

СУРАТЛАРДА: Май қишлоғидаги Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Суратларни
Муҳаммад АМИН
олган.

Мақсад— қулайлик яратиш

Таътиллар мавсуми ёз фасли яқинлашиб келмоқда. Бу даврда йўловчилар қатнови ортиши, транспорт чипталари сотувчиларининг қўли қўлига тегмай қолиши ҳаммага аён. Боз устига, ҳозир йўловчилар ташишнинг асосий оғирлиги темирйўлчилар зиммасига тушмоқда. Сабаби — йўл ҳақи самолёт ва автобусдагига нисбатан бирмунча арзон. Шундай экан, Тошкент шоҳбекатида йўловчиларга қулайлик яратиш соҳасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

ЎзА мухбири Б. Мансуров олдиндан чипта сотиш кассалари мудири Ҳожиниса Тўлаганова билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маълум қийинчиликларга дуч келган йўловчиларни ранжитмаслик учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз, — деди Ҳожиниса опа. — Ҳозир кунига ўртача беш мингтага яқин чипта сотилади. Навбат кутувчилар бўлса-да, илгаригидек тўс-тўполон йўқ. 20 та касса тинимсиз ишлаб турибди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида метронинг «Улуғбек» ва «Машинасозлар» бекатида, «Фотон», «Тошкент трактор заводи» каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарида олдиндан чипта сотиш кассалари очилди. Олис сафарга чиқувчиларнинг қимматли вақтини тежаш учун Сибирь йўналишига 15 кун аввал чипта сотиладиган 5 та касса очдик. Тез орада улар «Терминал» электрон ҳисоблаш машиналари билан таъминланади. Жанубий йўналиш бўйича ҳам ана шундай қўшимча кассалар очиш ниятимиз бор.

Яна бир янгилик: «Тошкент—Бухоро» ва «Тошкент—Китоб» йўналишидаги поездлар учун тижорат кассалари ҳам ишлаб турибди. Тўғри, бу ерда сотиладиган чипталарнинг нархи бирмунча қиммат. Аммо ана шундай чипта билан чиқиладиган вагонларда йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратилган.

Куни кеча валютага чипта сотувчи касса ҳам иш бошлади. Бу ерда ҳозирча Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрига қатновчи йўловчиларга хизмат кўрсатилмоқда. Ҳадемай, бошқа хорижий мамлакатларга борувчилар ҳам ушбу касса хизматидан баҳраманд бўлади. Мақсадимиз — йўловчиларга қулайлик яратиш.

Тижорат
Ташвиқот
Тижорат

ТАШКИЛОТ
Тошкент шаҳридаги омбордан қуйидагиларни
СОТАДИ:

— олмалар;
— линолеум (Оҳангарон шаҳрида ишлаб чиқарилган);
— печенье (Москва шаҳрида тайёрланган);
— палас (2×3 м).

Соат 18 дан 20.00 гача 58-60-91 телефонига қўнғироқ қилинсин.

Пахтакор хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

«Шайх» савдо уйи ишлатиб бўлинган «ХВС—1642» машинасининг тортиб олувчи пўлат ва аллюминли чўткаларини, «14 ХВ 21650» машинасининг икки ойнали юқоридаги дискларини

НАҚД ПУЛГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкентдаги телефонларимиз: (3712) 67-73-90, (3712) 33-11-75
Модем «Лександ»—68-99-48, Модем «ИСМ 1200»—68-99-48
факс—(3712) 68-93-14, телекс—11-64-26 UNONA SU
Тошкент, Сельмаш кўчаси, 2. «Шайх» савдо ўйи

Жиноят ва жазо



ҚЎШ ҚАБР

ЁКИ ОТУВГА ҲУКМ ЭТИЛГАН ТРАКТОРЧИНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

БУ ВОҚЕАНИНГ бўлиб ўтганига кўп бўлгани йўқ. Уни ўз кўзи билан кўрган одамларнинг уйқусида, еган-ичганларида ҳалигача ҳаловат йўқ, димоғларини инсон қонининг қўланса ҳидлари ҳали-ҳануз ачиштиради. Фожеа тафсилотини бировлардан «қулоқма-қулоқ» эшитганларнинг титроқлари тинмаган. Ўша машъум ҳодиса тўғрисида мазкур мақолани ўқиб билгувчиларнинг ёки эндигина эшитгувчиларнинг ғазабланишлари, беихтиёр сесканиб кетишларини ҳам олдиндан сезиб турибмиз. Лекин, илож қанча? Уни биз тўқиб чиқармадик, қўшиб-чатмадик, шундоғлигича, оққа туширишга уриндик, холос.

Одамзотга инсоф бермаса қийин экан. Сабр бермаса ундан ҳам қийин. Келинг, яхшиси, бундан атиги тўрт ойгина муқаддам бўлиб ўтган ўша даҳшатли воқеанинг тафсилоти билан ўзингиз танишиб чиқа қолинг. Инсоф ҳақида, сабр тўғрисида кўп гапириб юбордик шундоғам...

БИРИНЧИ ЖАБРЛАНУВЧИ:

«ОСМОН ТУЛА ЮЛДУЗ... МЕНИНГ ЮЛДУЗЛАРИМ ЙУҚ».

У анча кексайиб қолган. Кўзларидан нур, қўлларидан мадор кетиб бораяпти. Жуссасиям кичрайиб қолган. Хира тортиб бораётган кўзларида чексиз мунг. Умр деганлари шу экан-да. Юрганингда ер титратиб, оёқларингдан ўт чақнаган ёшлик дамларингнинг қадрига тўшакка михланиб қолганингда кўпроқ етаркансан. Охиратнинг шарпаси таъқиб қилишга тушган пайтларда, битта гап камлик, иккитаси ошиқчалик қилиб қолган кунларда етаркансан. Аммо, бу аёл бир кечада қариб қолди, сочлари қордек бўлиб оқарди. Энг ёмони, қолган умри сон-саноқсиз ҳадиклар, қўрқув ва армонлар билан ўтадиган бўлди унинг...

«Ё, раббий! Ўзинг ҳар нега қодирсан, яратгувчим ҳам, ёруғ жаҳондан бенасиб этгувчим ҳам ёлғиз ўзингсан, Парвардигор! Сенга шак келтирсам, отаётган тонггача етмай, эгам!

...Нима қилайин, дунёга сиғмай қолдим. Болаларимнинг қабри аслида меники эмасмиди, яна нима қилиб яшаб юрибман ахир? Отам деб, онам деб йиғлаганнинг армони йўқ. Мен-чи? Мен нима деб йиғладим? Болам дея йиғлаяпман. Ула-ўлгунимча йиғлаб ўтаман энди. Бундан ортиқ азобинг ҳам борми, худойим!

Қизимни турмушга узатиб бир суюнувдим, неваралик бўлганимда ўн суюндим, чевара кўриб ёшариб кетдим. Менга ҳавас қилмаганнинг ўзи йўқ эди бу депарада. Ўтирадиган ўрним тўрда, еганим олдимда, емаганим орқамда эди. Пиру бадавлат бўлиб яшаб юрувдим-ку! Билмадим, ортиқча суюниб кетдимми...

Невара куёвим билан неварам Муҳаббат туппа-тузук яшаб юришувди. Бировдан кам жойлари, ҳеч бандадан қарз-қаволалариям йўқ эди шекилли. Нима бўлдию ўртага шайтон оралади-қолди. Бири баланд келганида, бири паст келайин дейишмади. «Бирортаси бу икковини бир-бирига совутиб қўйган бўлмасин тағин» деб ўзимча бахшиларга ҳам учрадим. Йўқ, ҳеч қанақа «боғланган, совутилган» жойи йўқ дейишди. Насиҳат қилдим, аразладим, қаёқда! Булар ҳечам пастга тушишмади. Онаси, қизим Ҳадичанинг ҳам ташвиши фақат шулар.

Муҳаббат эри билан муроса қилмасдан аразлаб келган кунлар эди. Куёвим кела солиб хотинини пичоқлади, қайнонасини — қизим Ҳадичани кўз олдимда чавақлади, қайниси Ботиржонимни ўлдираман деди... Уҳ! Фарзандларимнинг жон талвасасида қийналишларини кўрган мана шу иккала кўзим кўр бўлса бўлмасмиди? Нега мени тош қилиб яратмагансан-а, художон! Иккита норасида гўдакнинг кўзларига термулишдан, харҳашаларига шерик бўлишдан кўра бу фоний дунёнгга этак қоқиб кетсам бўлмайдими? Эс-ақлини танимаган бу икки гўдакларга эртага нима деб жавоб бераман? Онанг билан бувингни отанг ўлдирган, болам деймайми? Кўзларини жавдиратиб «нимага ўлдирганлар? Сизлар қаттайдиларинг?» дейишса-чи?

Бир дақиқа фурсат ичида битта хонадондан иккита тобут чиқсаям ҳаёт давом этавераркан. Кун чиқади, кун ботади. Юлдузлар. Айтгандай, осмонга юлдуз сиғмай кетибдими? Меникилар қани? Қани, менинг ёруғ юлдузларим?».

ИККИНЧИ ЖАБРЛАНУВЧИ:

...ЛАР: «УЙИМИЗГА ҚАЧОН КЕТАМИЗ, ЭНА?»

Булар ҳали ёш. Жудаям ёш. Атрофида нималар бўлаётганини, нима учун эркагу хотинлар бараварига увввос солиб йиғлаётганларини, кун иссиқ бўлишига қарамасдан тоғаларининг чопон кийиб, қўша-қўша белбоғ боғлаб олганликларининг сабабларини ҳам англаб етишмайди иккови. Билганлари шуки, ёмон бир иш бўлган! Чунки, уларни ҳеч ким эркаламай қўйган, телевизўр кўришмайди, ҳамма ерга тикилганча «уҳ» тортаверади...

«...Кечагина хотинлар ҳам, эркаклар ҳам ер тепишиб йиғлашаётган эди, бугун бўлса, тўй бўляпти: қозонларда шўрва қайнатилган, ош дамланган. Дастурхон тузоғлиқ, катта самовар қайнаб турибди. Ҳаммаси овқат ейишяпти. Қизиқ, тўйга маҳалладаги болалар нега чиқишмади экан-а?..

Ие, анаву амакини яхши танимиз! Дадамларнинг ўртоқлари-ку! У киши тез-тез бизникига кеп турардилар. Яхши амаки-а! Ҳозир аста беркиниб борамиз-да, амакининг бўйнига осиламиз. Йўқ, олдин биттамиз секин бориб, орқасида туриб, кўзини беркитиб оламиз. «Биз киммиз, қани топингчи!» деймиз кейин. Топиб бўптилар! Кетдик, юр!

Дадамлар қаттайкин шу вақтгача, уч кундан бери бизни опкетмайдилар. Э, тўхта, энамдан сўраб кўрайинчи, у киши ҳамма нарсани биладилар. Мени қачон мактабга киришимни, тишим қачон тушишини, ҳамма-ҳамма нарсани биладилар!

— Эна, дадам қачон келалла? «Ойинг билан узо-о-оққа кетганлар»? Унда бувимларчи? «Баниса-да?»

— Эна, анаву қўшниларинг борку, шоп мўйловли киши, ўшачи бувимнинг сандиқларини очганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Кейинчи, холам ўша амакига сандиқчадан пул обердилар, холамниям бувимга айтиб берамиз-а, эна!

— Нега йиғлаяпсиз, эна? Тоғам бизни уйимизга ташлаб келсин, жо-он эна!..»

УЧИНЧИ ЖАБРЛАНУВЧИ:

«МЕН ТИРИК ҚОЛГАН... МАРҲУММАН»

Бу йигитча оқ-қорани фарқлай оладиган ёшда. Дўст билан душманнинг фарқига ҳам етади. Ўртоқларининг, даврадошларининг орасида гавдаси энг кичик йигит саналса-да, унинг ёши анча улғайиб қолган. Тўғри, буни бир кўришда дуч келган киши англаб олмаслиги мумкин. Лекин...

Унинг юраги сиқилади, ич-ичидан зил кетади, баъзида тўйиб-тўйиб йиғлагиси келади. Асли ёши анчага бориб қолган бувисидан ҳам кўра етим қолган жиянларига кўпроқ ачинади. Ҳали улар гўдак, икковига ҳам ҳеч нарсани сездирганлари йўқ. Бироқ, қачонгача бундай яшаш мумкин?

«Тирикликнинг байрамлари тугаган мен учун. Яшаяпманми, ўлганманми, буни, ҳатто, ўзим ҳам билмайман. Яшаётган бўлганимда эди, ҳеч бўлмаганда битта одам билан дардлаша олган, кун билан туннинг фарқига борган ёки кимдандир нафратланиб ва аксинча бўлиб юрган бўлардим. Йўқ, буларнинг уддасидан чиқолмаяпман, демак, мен ўлганман. Ундай бўлса, нега юрагим уриб турибди? Бошқаларга ўхшаб туш ҳам кўряпман, қўрқаяпман, кўзимдан ёш чиқмаса-да, йиғлай олишим мумкин. Демак, мен тирик эканман. Билмадим. Ва ҳеч қачон билолмасам керак...

Кўз ўнгимда онамни, ундан сал олдинроқ эса опамни чумчуқ каби сўйиб ташладия, жаллод! Онам икковимизнинг кўнглимиз жуда ғаш эди ўша куни. Кўзларида мен тушуниб етмайдиган ғалати бир хавотир, ранглари докадек оқариб кириб келган поччамни кўришимиз билан дилимиз рўй бериши эҳтимол бўлган ёмон бир фожианинг шарпасини пайқаб, баттар хуфтон бўла борди. У билан сўрашдим. Тавба, одамзотнинг қўлиям шунақа тошдек қаттиқ бўп қолса бўларкан-да-а?

У аллақандай титроқ ва ҳаяжонини яширолмасдан мени ҳовлига чиқиб туришимни илтимос қилди. Опамда зарур гапи борлигини айтди. Йўқ деёлмадим. Чиқиб кетаётиб, опамнинг кўзларига кўзим тушди: унинг кўзларида ёш йўғу худди йиғлаётган одамга ўхшарди. Кейин... кейин ичкари хонадан опамнинг чинқирган овози, поччамнинг бўғиқ товушда сўкинаётганлиги эшитилди. Онам иккаламиз ўша ёққа чопдик. Онам остонадаёқ «иҳ» деб юборди, хонани иссиқ қон ҳиди тутиб кетди. Мен карахт эдим. Қўллари қонга ботган поччам бир сакраб менинг рўпарамда пайдо бўлди. «Чак-чак» этиб қон томиб турган ўткир тиғли пичоқ билан мени нишонга олаётган бир пайтда қандайдир телбалик билан пичоққа ёпишиб олдим.

(Давоми 4-бетда).

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ва унинг оила аъзоларини қўриқлаш учун жавоб берувчи махфий маҳкаманинг мулозимлари Оқ уй ёнида тўппонча билан қуролланган аёлни ҳибсга олганлар. Унга қарашли кичик юк машинаси тинтиб кўрилганида яна учта тўппонча, патронлар жойлашган пластик халта ва наша чекиш учун бир неча мослама топилди.

ПРЕЗИДЕНТ Билл Клинтон келгусида АҚШ ва Россия сувости кемаларининг тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳақидаги ваъдасини бажариш учун ўз сувости кемаларига Россиянинг шундай кемаларига яқинлашмаслик ҳақида буйруқ бериши мумкин, деб хабар қилди «Чикаго трибюн» газетаси. Оқ уйнинг бошлиғи олий даражада Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтказилган учрашувда Россия Президенти Борис Ельцинга шундай ваъда берган эди, деб таъкидлайди газета. Бу эса «АҚШнинг собиқ Совет Иттифоқига қарши, ҳозир эса Россияга қарши энг узоқ давом этган махфий жосуслик дастурларидан бирини жиддий равишда қайта кўриб чиқишга олиб бориши» мумкин.

БОСНИЯ ва Герцеговинадаги серблар ўлкасининг ташқи ишлар вазири Слободан Ярчевич ўлка делегацияси Женевада Хорватия вакиллари билан ўт очишни тўхтатиш хусусида битим имзолагани ҳақидаги хабарни рад қилди. Биз бу ҳужжатга дастлабки тарздагина розилик бериб, ўлка парламентида кўриб чиқилгандан кейингина унинг кучга киришини шарт қилиб қўйдик, деди у Югославия оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари билан суҳбатда.

ИСРОИЛ Фаластин халқига қарши тинимсиз жиноятлар қилиб турибди ва шу тариқа АҚШ маъмуриятининг чексиз мададига таяниб, Яқин Шарқдаги сулҳ музокараларини барбод қилмоқда. Фаластин Озодлик ташкилоти ижроқўмининг раиси Ёсир Арофат Би-Би-Си радиостанциясининг араб бўлими ходимлари билан суҳбатда шундай деди. У Фаластин томонининг Яқин Шарқдаги сулҳ жараёнини давом эттириш хусусидаги мажбуриятга тўла-тўкис риоя қилишга тайёрлигини таъкидлади. Бироқ, унинг айтишича, Исроил томонидан қўйилаётган тўсиқлар музокараларни боши берк кўчадан олиб чиқишга имкон бермаяпти.

ШИМОЛИЙ Болгариянинг Бяло шаҳри яқинидаги даҳшатли транспорт ҳодисаси йигирма саккиз кишининг ёстигини қуритди, йигирма киши қаттиқ жароҳатланди. БТА агентлигининг хабар қилишича, фалокат кундуз куни Янтра дарёси кўприги устида содир бўлди. Бир неча соатдан кейин шу жойнинг ўзида яна бир фалокат рўй берди, икки киши жароҳатланди.

80-ЙИЛЛАРДА Куба раҳбари Фидель Кастро сальвадорлик қўзғолончиларнинг раҳбарларидан бири Хоакин Вильялобосга Калашников автоматини совға қилган эди. Энди шу автоматнинг хўжайини яна ўзгарди. Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик жабҳаси сиёсий партияси раҳбариятининг аъзоси бўлиб қолган Х. Вильялобос Мехикода бўлиб ўтган тантанали маросимда ўзининг шахсий қуролини Мексика Президенти Карлос Салинас де Гортарига топширди. Бу совға Мексика ҳукумати Марказий Амриқо республикасидаги қуролли можарони бартараф этиш жараёнига қўшган ҳисса учун ва президент Гортарининг Сальвадор халқи билан бирдамлиги учун миннатдорлик нишонаси бўлди.

Сафарнома

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

«ЙЎЛ БЎЛСИН, АМРИҚО?»
The New York Times
THE WALL STREET JOURNAL

30-йиллари Раҳмонқулхон Советларнинг коллективлаштириш, яъни йиллар давомида ишлаб топилган мол-мулкни қароқчиларча тортиб олиш сиёсатига қарши чиқиб бир гуруҳ кўчманчи юртдошлари билан ватанни тарк этишга мажбур бўлади. Аввалига шарқий Туркистонда, сўнг Помирнинг Афғонистонга қарашли ёнбағирларида истиқомат қилишади. Биттани иккита, иккитани тўртта қилиб, не-не машаққатлар билан чорва асрашади. Бу ерда ҳам «инқилоб» бошланиб вазият оғирлашгач, кўч-кўронни қўтосларга юклаб Покистонга ўтишади, сўнг у ерни ҳам ташлаб Туркия томон йўл олишади.

Экранда Помирнинг баланд яйловлари. Озиқ-овқат, зарур асбоб-ускуналар ортилган отлар ўта хавфли сўқмоқлардан кашшанглик билан юқорига кўтарилмоқда. Пастга қарасангиз кўзингиз тинади.

Абдулла Хўжанинг оталари марғилонлик Акбархўжа ака билан серфайз хонадонларида узоқ суҳбатлашдик. Уй жиҳозлари, дастурхон тузатиш, таомлар, пахта гулли лаган, чойнак-пиёлалар Ўзбекистонни, гўзал Фарғонани шундоққина эслатиб турибди. Ота-оналари Марғилондан чиқиб кетишаётганида 7—8 ёшларда бўлган Акбархўжа ўз бошидан не-не қийинчиликларни ўтказмади, дейсиз. Уч йил Қашқарда яшаганларидан кейин, у ер нотинч бўлиб, аввалига Ҳиндистонга, сўнг Пешоворга кўчиб ўтишади. Дадалари Аъзамхўжа эшон шу ерда бандаликни бажо келтиради. Волидалари Солиҳабону тўрт ўғилни олиб Ҳаж ибодатига отланадилар. Она Маккада вафот этади. Ўшанда катта ўғил Муҳаммадали 15, Акбархўжа 11 ёшда эди. Болалар бир илож қилиб Ҳиндистонга қайтишади. Мусофирхоналардан бирида Муҳаммадали оламдан ўтади. Уни кўмишгач, ҳукумат уч етим болага 17 рупия ёрдам пули беради. Оиланинг каттаси бўлиб қолган Акбархўжа бир пайса — ярим пайсадан ҳаржлаб укалари Аҳмадхўжа ва Анвархўжаларни боқади.

Ота ҳикоясида давом этар экан, тез-тез кўзига ёш олади. Истиқлол, мустақиллик моҳиятини тушуниш учун бундай ҳикояларни эринмай тинглаш лозим. Бир вақтлар у киши оғир касалланиб қолганида, ватанга қайтиш насиб этмаса, ҳеч бўлмаса Афғонистонга ўтиб қорни кўриб жон таслим қилишни орзулаган эди. Умрлари бор экан, фарзандлар, набиралар даврасида бир-биримизни қутлаб, муборакбод қилиб ўтирибмиз. Икки фарзандлари Лондонда ўқиб келишган. Фотима Туркияда таҳсил олган. Содиқа — Бостон университетининг табобат факультетини шу йил тугаллайди. Кенжалари Салимхўжа Сан-диегода ҳуқуқшуносликка ўқимоқда. АҚШда энг иқтидорли талабаларнинг рўйхати тўплам ҳолида ҳар йили эълон қилинар экан. Ана шундай рўйхатларнинг бирида Салимхўжа бешинчи бўлиб турганлигини кўриб ич-ичимдан фахр қилдим.

Истиқлолимиз ватандошлар кўнглини тоғдек кўтарди. Улар ҳар икки сўзларининг бирида «Дунёга Самарқанду Бухорони берган. Тож Маҳални қурган халқ учун бугунги қийинчиликлар нима бўлибди», дейишади. Биз бундан-да, мураккаб вазифаларни бажаришга қодир халқмиз, иншоолло, дунёни яна эзгу ишларимиз ила забт этамиз, деб ният қилишади.

Амриқо кўпмиллатли мамлакат. Амриқолик деган улкан бир яхлитлик бор. Ким билан сўзлашманг, у энг аввало мен амриқоликман, дейди, сўнг келиб чиқишидан, ота-боболарининг тарихидан сўз очади. Яхлит Амриқо манфаатлари ирқий мансублигидан қатъи назар, ҳаммаҳамманинг шуурига сингиб кетган. Бундай яхлитлик миллий маданиятлар, урф-одатларнинг сақланишига асло ҳалал бермайди. Амриқонинг йирик шаҳарларида ғуж-ғуж бўлиб яшаётган оврўполикларни, осиёликларни кўриш мумкин. Улар турмуш тарзида ўзлари мансуб бўлган миллат қадриятлари яққол кўзга ташланади.

Бу ўз-ўзидан келган ғалаба эмас, албатта. Амриқо жорий асрнинг ўрталарига қадар «Фақат оқ танлилар учун», «Қора танлиларнинг кириши маън этилади» каби шиорлари, бошқа қатор таъқиқлари билан ирқчи мамлакат бўлиб келди. Японлар Амриқо флотига ҳужум қилишганидан сўнг япон миллатига мансуб кишилар АҚШда таъқиб қилина бошланди, уларни худди душман сифатида махсус лагерларга жойлаштириб, ўша ерда яшашга мажбур этдилар. Орадан 50 йил ўтиб АҚШ ҳукумати улардан узр сўраб, жабр кўрганларнинг ҳар бирига 5 минг доллардан товон пули тўлади.

30-йиллардан бошлаб Амриқода қора танлиларнинг ҳуқуқий тенглик учун курашлари бошланди. Бу кураш ниҳоят оғир кечгани, қурбонлар берилгани маълум. Ирқчилик тарафдорлари нима қилиб бўлса-да, жамият ҳаётидаги устун мавқеларини сақлаб қолишга уриндилар. Аммо тенглик ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олди, 50-йилларнинг ўрталарига келиб Қўшма Штатларда ирқий камситишни таъқиқловчи биринчи қонунлар пайдо бўлди.

Негр халқининг ажойиб фарзанди Мартин Лютер Кинг қора танли Амриқонинг ҳақ-ҳуқуқлари йўлида жонини фидо қилди. Уни нутқ сўзлаб турганида отиб ўлдиришди. Йиллар ўтиб уни бутун Амриқо тан олди. Мартин бугунги кунда тенглик рамзи, миллий қаҳрамон десам муболаға бўлмас.

Кинг сафдошларидан бири Амриқода гражданлик ҳуқуқи учун кураш ҳаракатининг асосчиси Тэргуд Маршалл эди. У мамлакат тарихида биринчи бўлиб Олий суд аъзолигига сайланган қора танли эди. Чорак аср давомида Маршалл қора танлилар, аёллар ҳамда бошқа этник гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида тинимсиз кураш олиб борди. Олий судда кўрилган гражданлик ҳуқуқларига доир 32 та даъводан 29 таси Маршалл фойдасига ҳал бўлди. Президент Клинтон уни тенг ҳуқуқ учун курашнинг гигант жангчисига қиёс этгани бежиз эмас. У адвокат, судья ва толмас курашчи сифатида Амриқо сиёсий маданиятига улкан ҳисса қўша олган арбобдир. Унинг таржимаи ҳолини ёзган Карл Роуэннинг фикрича, айни пайтда расмий лавозимларни эгаллаб турган 8 мингдан ортиқ қора танлилар энг аввало Маршаллга таъзим қилмоқлари керак.

Маршалл ўзининг энг йирик ғалабасини 1954 йили қўлга киритган. Ўша йили АҚШ Олий суди ирқий камситишни қораловчи қарор қабул қилди. Унга кўра АҚШда «тенг, аммо ажратиб ўқитиш» системаси — барҳам топди.

Профессор Хайрулла Исматуллаев ўзбек тилини ўрганаётган талабалар билан.

АҚШ сафари арафасида Маршалл ҳақида ёзилган бир неча мақолаларни ўқиб чиққан эдим. Поездда Нью-Йоркдан Вашингтонга борар эканман, Балтимор шаҳрига келиб тўхтаганимизда Маршалл айни шу шаҳарда туғилганини эслаб қолдим. Унинг ўзи кейинчалик ёшлик йилларини эслаб шундай ҳикоя қилган экан: «Ўқитувчиларимиздан бири биз тўполончиларни жазолаб АҚШ Конституциясини сўзма-сўз ёд олишга мажбур этарди». Бундай «жазо» қора танли Амриқо учун буюк бахт олиб келди.

Ушбу сатрларни ёзаётган кунларимда Тэргуд Маршалл 84 ёшида вафот этганлиги тўғрисида хабар келди.

Ҳамма жойда бўлгани каби Амриқода ҳам мамлакат тарихига янгича назар билан қараш ҳаракати мавжуд. Қора танлиларнинг фикрича, Амриқо тарихи оқ танлилар нуқтаи назаридан туриб ёзилган. Шунинг учун ҳам уни қайтадан ёзиш керак. Ҳиндуларнинг фикри ҳам шундай. Улар орасида Колумбнинг қитъага келишини қайта баҳолаш кайфияти тобора кучайиб бормоқда. Иллиной университетида бўлганимизда студентларнинг Амриқо кашфиётчисига қарши норозилик намойиши айни авжида экан. Гап нимада эканлигини тушунмаган киши аввалига бирон-бир миллий байрам бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Чунки, либослари бири-биридан гўзал, Ноғораларнинг овозлари қулоққа ёқимли эшитилади.

Университет бинолари ўртасидаги ям-яшил майдон турли хил намойишлар учун ажратиб қўйилибди. Махсус даврада хилма-хил шахсий эълон ва варақаларни кўриш мумкин. Бу ерда «Кучукчамни йўқотиб қўйдим...» ёки «яп-янги совутгичимни икки ойга ижарага бераман» қабилидаги билдирувлардан тортиб «Клинтон — бу Амриқонинг келажаги», деган хитоблар ҳам бор. Мен кейинги пайтларда ўтказилган намойишларга қизиқдим. Мана улар: уй ҳайвонларига ҳайвонларча муносабатда бўлишга қарши намойиш; жинсий заифлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи намойиш; атроф-муҳитни ифлослантираётган корхоналар фаолиятига қарши намойиш ва ҳоказолар.

Бундай тадбирлар белгиланган жойда, белгиланган вақтда ўтади. Бир дақиқа олдин бошланмайди, бир дақиқа чўзилиб ҳам кетмайди. Намойишдан сўнг ерда бир парча қоғоз ё бир дона гугурт чўпи ҳам қолмаслиги керак. Чунки майдонга бошқа намойишчилар келишади, уларни ҳурмат қилиш лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида тибетликлар намойишига дуч келдим. Улар овозни кучайтирувчи мегафонлар ёрдамида ўз талабларини баён қилмоқдалар. Полиция бамайлихотир кузатиб турибди. Ҳамма ўз иши билан банд. Ҳамроҳим Иброҳим Юксалнинг айтишича, БМТ олдида деярли ҳар куни турли хил намойишлар бўлиб туради. Улар улкан шаҳар ҳаётининг одатий манзараларига айланиб қолган.

БМТ биносини, Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши йиғилишлари ўтадиган залларни томоша қилганимиздан кейин ташқарига чиқиб, Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турган жойда бир зум дам олдик. Йўлнинг нариги ёғига қарасам, тибетликлар ўрнига бошқалар келишибди. Полиция аввалгидай, хотиржам кузатиб турибди.

Ҳаёлимга бир воқеа тушиб кетди. Бир йили хизмат сафари билан водийдаги машҳур колхозлардан бирига борган эдим. Мухбир келганлигини эшитиб бир киши аста ёнимга келди. Ҳасратидан чанг чиқади. Редакцияларга, юқори ташкилотларга тинимсиз шикоят йўллайдиган бу шоввозни танидим. Гапларини диққат билан эшитдим. «Раис ўғри, бўғолтир ўғри, қариндош-уруғлари билан колхозни кемириб ётишибди. Фактларим бор. Любой жойда исботлаб бераман», дейди. Мен «Яхши, кечқурун мажлис бўлади, сизга сўз берамиз, бир бопланг», дедим. Раҳбарлар «Қўйинг, сиз аралашманг, жуда расво одам, иғво қилиб мажлисни бузади», дея қаршилик қилишди. Шунга қарамай, сўз бердик. Аммо мулла Матқовулдан жўяли бир гап чиқмади. Мажлисдан сўнг ёнимга чақириб «Ўзимга айтинг, газетада фельетон қиламиз», дедим. Яна бўлмади. Чунки, унда минг бор текширилган, аммо биттаси ҳам тасдиқланмаган бир-иккита тусмол «факт»дан бошқа ҳеч гап йўқ экан. Шу-шу редакцияларнинг қулоғи тинчиди-қўйди.

Ғарб демократиясининг ютуқ томони ҳам шунда. Ўзини ўта доно қилиб кўрсатувчи баъзи «аллома»ларнинг ҳақиқий даражаларини билмоқ учун уларни қўрқмай эшитиш керак, холос.

Бизнинг яна бир айбимиз — ғамачилик. Ҳамиша у ёки бу томонга оғиб юрамиз. Мақтасак еттинчи осмонга олиб чиқамиз, танқид қилсак тупроққа қормагунча қўймаймиз. Шу боис бутун умримиз қайта қуриш билан ўтмоқда.

Бир мисол келтирай. Коммунизм ғояси инқирозга юз тутди. Биз Марксдан, Лениндан, социализмдан юз ўгирдик. Пролетариат доҳийсининг номи бугун дарслигу дастурлардан Обиджон Асомовнинг ҳажвияларига кўчди. Одамлар қаҳ-қаҳ отиб кулмоқдалар. Амриқода бундай эмас. Улар социализм дунёнинг ярмига ҳукмрон бўлиб турганида ҳам, бугун ерга қоришиб ётганида ҳам Марксга, Ленинга нисбатан бир хил муносабатда бўлмоқдалар. Университетларда социализм таълимоти аввалгидек ўргатилмоқда. Нима амриқоликлар социализм қуришмоқчими, деб сўрарсиз. Йўқ, қуришмоқчи эмас. Гап бошқа ёқда.

Биз Ленинни доҳий деб эълон қилдик, унга сиғиндик. Бу ҳам камлик қилгандай хатоларини яширдик, асоссиз даъватларига эргашдик. Доҳий номи билан боғлиқ хунрезликлар тўғрисида ўйлаб кўрмадик. Буюк ҳаёлпарастдан буюк даҳо ясадик. Дунёнинг ярмини унинг асарларини ўқишга мажбурладик. Ленининг ёнида бошқа сафдошлари ҳам бор эди. Биз уларни, гўё тарихда бўлмагандай, унутдик ёҳуд пролетариат душманлари сифатида қораладик. Тарихга, иқтисодга, сиёсатга ва ҳатто бола тарбиясига, ерни шудгор қилишга ҳам Ленин кўзи билан қарадик. Ғарбликлар бўлса Ленин билан бирга Троцкийни, Бухаринни, Плехановни, Столипинни, Парвусни, Муваққат ҳукумат вазирларини, Дума аъзоларини, қисқаси Октябрь тўнтаришига даҳлдор шахслар ва воқеаларнинг ҳаммасини бир-бирига қиёслаб ўргандилар.

Қиёсий ўрганиш, ўта мураккаб шароитларда ҳам ягона тўғри йўлни топиш, тўғри хулоса, тўғри ҳукм чиқариш имконини беради. Бизнинг қиёсий билимларимиз нари борса Унсин ва Гулнор образлардан у ёққа ўтмайди.

Шу боисдан ҳам бугун ночор аҳволда турибмиз. Инқилоб «муваффақиятларида» Лениндан кўра жаноб Парвуснинг хизматлари катта эканлигини энди-энди тушуна бошладик. Парвуснинг кимлиги, уни кимлар маблағ билан таъминлагани, Россияда эмас Баварияда қандай қилиб «Бавария Совет Республикаси» ташкил топгани, немислар «Бутун ҳокимият— Советларга!» шиори остида кўчаларга чиқишгани сабаблари энди-энди ойдинлашмоқда.

Ойдинлашмаган жумбоқлар ҳали жуда кўп. Биз «Апрель тезислари»ни шунча ўқибмизу, унинг асл моҳиятига тушунмабмиз. Бу асар нима учун болшавойларнинг ўзига ёқмагани, Плеханов билан Сталин рад этишгани, ҳатто «Правда» ҳам талмовсираб «бу энди партиянинг эмас, ўртоқ Лениннинг шахсий фикрларида», дея эҳтиёткорлик қилгани сабабларини билмаймиз. Тезислар партия Марказий Комитетида муҳокама қилинганида, А. Авторхонов маълумотларича, уни Марказқўм аъзолари бўлмаган уч муҳожир аёл — Коллонтай, Инесса Арманд ва Крупскаялардан бошқа бирор киши ҳам қўллаб-қувватламаган. Нега?

Бу саволларга жавоб топишимиз қийин. Чунки биз яқин ўтмишимизга доир чин ҳақиқатдан тўла хабардор эмасмиз. Унинг узуқ-юлуқ саҳифаларидан олган билимларимиз бугунги куннинг ўткир саволлари олдида ожизлик қилмоқда.

Ғарбликлар тутган бошқача йўлнинг маъноси мана шунда. Улар бугун ҳам бизга ўхшаб ялпи инкор йўлига ўтганлари йўқ. Социализм инқирозининг сабаблари нимада, нега у яшаб қолмади? У азалдан янглиш ғоямиди ё янглишиш ғоя талқинида юз бердими? Ленин шахси ва меросини қандай баҳоламоқ лозим? Инқилобчи Ульянов билан коммунистлар даҳоси Ленин ўртасида қандай тафовутлар бор? Қизил мафкура инқирози узил-кесилми? — америкалик «марксист»лар бугун мана шу саволлар устида фикр юритмоқдалар.

Индиана университети профессорларидан бири билан суҳбатлашар эканман, олим «бошқа янглишмаслик учун ҳам Ленинни билиш керак», деди ва менинг «Ленин фожеаси шундай фожеаки, у ҳатто фожеа сифатида ҳам фойдадан холи эмас», деган фикримни тасдиқлади. Ҳаётнинг маъноси хулоса чиқариш экан, биз ана шу буюк фожеадан ҳам ўзимизга ярашуқли хулоса чиқармоғимиз зарур. Ахлоқ ва маънавиятни сиёсийлаштириш, сиёсий мақсад йўлида инсон руҳини ҳам гаровга қўйиш қандай фожеаларга олиб келишини биз бугун тушуниб етдик, биздан кейингилар ҳам тушуниб етсинлар.

Шуларни эслар эканман, Ленин масаласида яна хатога йўл қўяётганимизни, аниқроғи, ялпи инкор йўлини танлаб, кераксиз томонга оға бошлаганимиздан хижолат чекаман. Жуда кўп ижодкорларимиз Ленин мавзусига қўл уришган, шеърлар, достонлар битишган. Бугун энди «сен шундай дегансан, шундай ёзгансан, бугун ҳам шу фикрдасан...» дея улар бошига маломат тошлари ёғдирсак, жуда хунук иш бўлади. Бунақа шоввозликдан бир мирилик ҳам фойда йўқ. Бундай шоввозлар бугун Ленин мисолида, эртага, эҳтимол, бошқа бир баҳонада асосан ўзларини кўрсатиб қолишга ҳаракат қиладилар.

Амриқони ҳар ким ўзича кашф этади. Бу «сеҳрли диёр» ҳар кимга ўзининг янги-янги қирраларини намоён этади. Менинг тасаввуримча Амриқо томошабинлар билан тўла улкан ўйингоҳга ўхшаб кетди. Президент бошлиқ ўйинчилар яшил майдон узра шиддат билан тўп сурмоқдалар. Ўйинчиларнинг жамики хатти-ҳаракатлари — ким елиб-югурмоқда, ким куйиб-пишмоқда, ким мўлжални беxато нишонга олмоқда ва ким шунчаки тимирскиланиб юрибди — ҳаммаси кўзгуда акс этгандай очиқ-равшан кўриниб турибди. Қоидани бузган, шубҳасиз, жазо олади, чарчагани алмаштирилади. Энг муҳими, бу ўйинда муғомбирлик қилиб бўлмайди.

Океан тўғрисида ёзмоқчи бўлган киши сув сатҳидаги пўртаналарга маҳлиё бўлиб қолмай унинг тубини ҳам тасвирлаши керак. Бусиз ёзганлари чўлтоқ бўлиб қолади. Дунёни англамоқчи бўлган ҳар бир киши Амриқони кўриши, англаши ва энг муҳими — тушуниши зарур. Бундан буёғига бусиз мумкин эмас.

Амриқонинг давлат мадҳи савол билан бошланиб, савол билан якунланади. Мен ҳам ушбу қораламаларим сарлавҳасини саволдан танладим ва сўзим сўнгида яхши ният билан: «Сафаринг беxатар бўлсин, Амриқо!» дейман.

1992 йил декабрь — 1993 йил март.

(Охири. Боши ўтган сонларда).



Чикагода шундай уйлар кўп. Муаллиф суратлари

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● МДҲ Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондони Е. Шапошниковнинг гувоҳлик беришича, парламентлараро ассамблеянинг апрель ойида бўлиб ўтадиган мажлисида МДҲнинг ялпи хавфсизлик механизми муҳокама қилинади. Айни вақтда у Украина президентининг собиқ Совет Иттифоқига тегишли ядро қуроллари Россия ихтиёрида эмас, балки МДҲ ихтиёрида бўлиши керак, деган фикрини ҳам маъқуллаган.

● ШУ ЙИЛНИНГ август ойида халқаро талабалар кенгашининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтиши керак. Бу анжуманни ўтказиш учун Москва, Истанбул, Прага, Мадрид шаҳарлари даъвогарлик қилишмоқда.

● ХАЛҚАРО соғлиқни сақлаш ташкилоти аср ўлати — СПИД янги-янги ҳудудларда пайдо бўлишидан огоҳлантирмоқда. Бунинг учун Шарқий Оврупо мамлакатларида юзага келган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар қулай омил бўлиши мумкин, деган фикр айтилмоқда.

● ЖАЗОИР полицияси пойтахтдан унча узоқ бўлмаган Хемис деган жойда яна тўрт нафар террорчини ўлдирди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилингандан бери хавфсизлик кучлари билан маън этилган ақидапараст ислом фронти жангарилари ўртасидаги тўқнашувда 600 га яқин киши ҳалок бўлган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КИМ ҚАНДАЙ ЧОЙХЎРЛИК ҚИЛАДИ!

● ЎЗБЕКНИНГ чой ичмаган куни йўқ. Ошдан кейин ҳам чой, шўрвадан кейин ҳам чой, ҳатто чойдан кейин ҳам чой ичишига бир баҳя қолади. Бироқ чойхўрлик одати нафақат ўзбекларда, балки бошқа кўпгина халқларда ҳам шаклланган. Фақат уни истеъмол қилишда бироз фарқ бор. Масалан, биз чойга қора мурч ёки асал қўшиб ичишни ёқтирамиз. Шу билан бирга бугун дамланган чойимизни эртагаликка ҳам қолдираверамиз совуқ чой қилиб. Аммо бундай қилиш зарарли экан. Хитойлар кечадан қолган чойни илон заҳрига тенглаштиради.

Тибетликлар чойни коктейл каби кўпиртириб ичишни ёқтиришади. Бунинг учун улар чойга туз ва сарёғ қўшиб, роса аралаштиришади ва кўпиртиришади.

Мўғуллар, сут, ёғ, ун ва ёрма қўшиб истеъмол қилишни афзал кўришади.

Чойни сут билан бирга дамлаб, унга туз, дафна япроғи, мускат ёнғоғи (Осиёнинг иссиқ мамлакатларида ўсадиган, доимо яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли меваси) ва чиннигул аралаштириб ичиш қалмоқларнинг жону-дили.

Ҳиндлар эса чойни совитиб, унга шакар, лимон аралаштириб, муз билан ичишни хуш кўришса, Лотин амриқоликлар муз, ананас ва Куба роми (кучли спиртли ичимликнинг бир тури)ни аралаштириб ичишади.

БАЛИҚ ОВЧИЛИГИ ҚАДИМИЙ КАСБ

● БАЛИҚ овчилиги кеча ё бугун пайдо бўлган касб эмас. Бундан 6 минг йил муқаддам ҳам одамзот қайиқдан фойдаланган ва балиқ тутган экан. Шарқий Грециянинг Кастория шаҳри яқинида грек қадимшунослари томонидан топилган топилдиқ шундай хулоса чиқаришга ундади. Олимларнинг айтишича, узунлиги тўрт метрдан ортиқ бўлган топилма (қайиқ) дарахт танасидан ясалган. Топилдиқнинг атрофида суяк ва тошдан ясалган турли иш қуроллари ҳам учратилганки, улар бевосита балиқ овлаш билан шуғулланилганидан далолат беради.

УЧУВЧИСИЗ ЎҒИТ СОЧАДИ

● ЯПОНИЯНИНГ «Ямаха» фирмаси радиотўлқин орқали узоқдан туриб бошқариладиган «Р-50» вертолётини ишлаб чиқарди. Вертолёт қишлоқ хўжалиги ишларига мўлжалланган бўлиб, у экинзорларга минерал ўғитларни сочади. Вертолётнинг оғирлиги 67 кило, у 20 килогача юкни кўтараолади ва 30 дақиқа давомида қўнмай учолади. Ўғитни 3 метр баландликдан сепади. Бир кунда 100—200 минг квадрат метр майдонни ишловдан ўтказиш қувватига эга.


И е, йўғе, наҳотки?!

12—14 ёшлилар учун

АҚШнинг Калифорния штати ойнаи жаҳонида 12-14 ёшли қизлар учун никоҳсиз ҳомиладорлик ва унинг оқибатлари, қисқаси никоҳсиз ҳомиладорликдан сақланиш мавзуида доимий кўрсатувлар бериш бошланди. Бироқ шуниси қизиқки, кўрсатув давомида шаҳвоний йўналишдаги рекламалар кўплаб бериладИ. Гўё бу билан кўрсатувнинг таъсирчанлик даражаси ошармиш.

Ўзлигини англаш шумикин?

Замон ўзгарган. Барча республикалар мустақилликка эришган. Ўзлигини англаб, мустақилликнинг асл моҳиятини тушуниб етмоқда. Бироқ шундай замонда ҳам омсклик 17 ёшгача бўлган қизлар орасида никоҳсиз ҳомиладорлик ортгандан ортиб бормоқда. У ерда ўқувчи қизларнинг бола олдириш ҳоллари олдинги даврга нисбатан олти бараварга кўпайибди. Қизиқ, уларда ўзлигини англаш тушунчаси шумикин?

Тирик аёллар музейи

Брюссель шаҳри марказида бельгиялик рассом Ян Бюквуа ташаббуси билан дунёда биринчи марта аёллар музейи ташкил этилди. Ундан рассомнинг картиналари ўрин олган. Бироқ ажабланарли жойи шундаки, музейда тирик экспонатлар ҳам бор. Бундай экспонатлардан 13 та бўлиб, улар аёллардир. Улардан бири эса қип яланғоч ҳолда музейда туради. Дарвоқе, улар ўз хоҳиши билан «экспонат»га қўйилган. Уларнинг иш куни ҳар якшанба. эрталаб ўндан кеч соат бешгача.

Томошабинларнинг «экспонат»ларга қўл теккизиши мумкин эмас, аммо «экспонат»лар билан гаплашиш таъқиқланмаган.







СИЗЛАРНИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚАНИНГ ОЧИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙМАН. БЕЛЛАШУВДА БУГУН ҚАТНАШАЕТГАН ПОЛВОНЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИНИ КЕЛГУСИДА ЖАҲОН, ОЛИМПИАДА ВА ОСИЕ ЎЙИНЛАРИНИНГ ШОҲСУПАСИДА КЎРАМИЗ, ДЕБ УМИД ҚИЛАМАН.

Ислом КАРИМОВ

«Алпомишим, мадад бер менга...»

ТЕРМИЗДА АЛ ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН МИЛЛИЙ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ШАҲДУ ШИДДАТИ БИЛАН МИНГЛАБ ҚАЛБЛАРНИ ҲАЯЖОНГА СОЛДИ

ПОЛВОНЛАРГА СИҒИНАДИГАН ХАЛҚ

3 апрель куни қуёш чиқиши биланоқ шаҳар кўчалари байрам руҳи билан ўйингоҳга ошиқаётган минглаб одамларнинг қалби каби чарақлаб кетди. Атиги бир-икки кун аввал тўхтовсиз қуйган ёмғирдан асар ҳам қолмаган.

Уч юз нафардан ошиқ эл суйган мард ўғлонлар ўйингоҳ ўртасида сафга тизилар экан, ифтихор туйғулари кўнглингизни тоғдек кўтариб юборади. «Ана ағажан, булар афсонадаги эмас, ҳаётдаги алпомишлар» деди соқоли кўксига тушган бобо дилидагини яшира олмай.

...Сурхондарёликлар бу онларни қарийб юз кундан кўпроқ вақт орзиқиб, дилда битмас-туганмас ҳаяжон билан кутдилар. Халқаро мусобақа ўтказиш бўйича вилоят ҳокими Ҳаким Эшбоевич Бердиевнинг қарори чиқиши заҳоти кўпчилик ўзгача бир шодлик ва ҳаяжон билан: «Энди халқимиз ўзининг мард ўғлонларини кўз-кўз қиладиган зўр тадбир бўлади» дея севиндилар.

Ҳар бир хайрли ишнинг ўзига яраша ташвиш, югур-югури бўлиши табиий. Мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси вилоят ҳокимининг биринчи муовини Мамаюсуф Холбоев бошчилигида кўп ишлар амалга оширилди. Бундан атиги уч-тўрт ой илгари шаҳар кўчалари, уйлар атрофи кўримсиз бир аҳволда эди. Ўн минг томошабинга мўлжалланган «Спартак» стадиони (Энди «Алпомиш» ўйингоҳи деб атала бошлади) ҳам бир неча миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилгач, сал-пал эпақага келди.



Халқаро мусобақанинг минг хил ташвишлари билан банд бўлганлар дилдаги гапларини айтишга ошиқдилар.

Жўрақул ТУРСУНОВ — республика миллий кураш федерациясининг президенти:

— Мен Сурхондарёда бунчалик полвон кўп, деб ўйламаган эдим. Қойил... Улар полвонларга сиғинадиган халқ экан! Вилоят раҳбарлари бу мусобақага туман, вилоят саралаш беллашувларида кураги ерга тегмаган етмиш нафарга яқин полвонни олиб келишибди...

Аслини олганда дунёдаги барча давлатлар нимаси биландир мақтана олади. Биз эса... абжир, рақибини бир зумда мағлуб эта оладиган зўр-зўр полвонларимиз билан фахрлансак арзийди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ер юзининг бирорта халқи курашга бизчалик меҳрини қўймаган! Тўйлар деярли шу қизиқарли тадбирсиз ўтмайди ҳисоб. Энг муҳими, бу мусобақада 7 ёшдан 70 ёшгача бемалол беллашиши мумкин. Қисқаси, Ўзбекистон Президенти спортга катта эътибор бераётганлиги барчамизни хушнуд этди.

Биз кураш мусобақаларини ҳар йили ўтказяпмиз. Амир Темур, Ҳаким Ат Термизий, Турсунота Юсупов, Паҳлавон Маҳмуд хотираларига бағишлаб ўтказилган турнирлар доимо қизғин беллашувлар тусини оляпти.

«ТЎЙДИРАДИГАН ҲАМ ХАЛҚ!»

Дамин ҚОБИЛОВ — вилоят ҳокими муовини, Ёшлар Иттифоқи қўмитаси раиси.

— Бизда шундай гап бор: агар халқ бир бурдадан нон берса, тўйдиради, бир муштдан урса — ўлдиради!

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар палласида саҳий одамлар жуда кўплигини айтишга сўз тополмаяпман. Масалан, Н. Тўраев ректорлик қилаётган Термиз давлат университети жамоаси, талабалари қарийб 100 минг сўмдан ошиқ пул билан улуш қўшдилар. Қумқўрғонлик Худойберди Худойшукуров 100 минг, Музработ дон маҳсулотлари комбинати директори Қурбон Амирқулов 35 минг, Шоберди полвон 30 минг, Афғонистон фуқароси Бўз Муҳаммад Соҳил 200 доллар, Термиз ҳайвонот боғи директори Худойберди Маҳмудов 27 минг, «Истара» хўжалигидан нафақахўр Ғаффор Нурманов 20 минг сўм... Ҳатто вилоят «Сурхон тонги» редакцияси (муҳаррир Гелди Саидмаликов) ходимлари ҳам бир гилам қўшишди.

Мусобақа учун банкда махсус жамғарма ҳисоби очилди. Унга одамлардан икки ярим миллион сўмга яқин пул тушди.

Бундан ташқари республика касаба уюшмалари федерацияси битта видеомагнитофон ва чет эл телевизори, Сурхон савдо концерни 290 минг сўмлик япон телевизори, мураккаб маиший техника воситаларини таъмирлаш корхонаси 550 минг сўмлик видеомагнитофон ва япон телевизори.., Хуллас, ҳар ким топганини олиб келди. Тўйдирадиган ҳам халқ, дегани шу бўлса керак-да.

ҚАНИ, КИМ ҒОЛИБ БЎЛАР ЭКАН!

4 апрель куни ўйингоҳдаги минглаб одамлар юрак ҳовучлаб, дилда ҳаяжон билан кураш натижасини кутиб ўтиришди. Чунки, Ўзбекистон Президенти мусобақанинг мутлақ ғолиби учун 1 МИЛЛИОН сўм соврин қўйган эди.

Саралаш, ярим финал мусобақаларида Афғонистон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлатларидан қадамидан ўт чақнаган, мағлубият нималигини билмаган полвонлар майдонга тушишди. (Бошқа давлатларга таклифномалар юборилган бўлсада, вакиллар етиб келмади). Ҳар бир полвон икки-учта рақибини енгганидан сўнггина ярим финалда қатнашиш шарафига муяссар бўлди...

Майдонга икки донгдор полвон тушади. Бири — Даврон Қаландаров — хоразмлик. Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган беллашувлар ғолиби. Иккинчиси — Эрали Маҳмарасулов, сурхондарёлик, ўтган йили республиканинг мутлақ чемпионлиги учун курашда финалга чиққан полвон.

Беллашув тақдири бир неча дақиқада ҳал бўлди. Даврон полвон чил бериб, Эрали полвоннинг курагини ерга теккизди.

Қизириқ туманидан ака-укалар Ҳасан ва Ҳусан Худойбердиев, Абдужаббор Маҳмудов, афғонистонлик Карим полвон, республика жисмоний тарбия институти доценти Омон Тоймуродов, Тўра Эшнаев, Бобохон Худойбердиев, Яхшибой Қаршиев, Тоҳир Дурдиев, Зокир Шарипов ва бошқалар беллашувларнинг ғолиблари бўлишди.

Ниҳоят кечга бориб мусобақанинг ҳал қилувчи дақиқалари етиб келди.

Майдонга зўрларнинг ҳам зўри деб топилган полвонлар — Камол Бойтўраев билан Тўра Эшнаевлар чиқишди. Камолга Тўранинг суст ҳаракати қўл келди. У энгашиб олдида, рақибининг қорнидан кўтариб кўз очиб юмгунча уни ёнбошлатиб қўйди. Ўрол Тўраев билан бўлган беллашувда эса бу усул деярли иш бермади.

Ўрол Тўраев билан Рустам Эргашевлар финалда — республика Президентининг бир миллион сўмлик совринини қўлга киритиш учун майдонга тушдилар.

Бироқ рақиблар ҳаракати негадир суст эди. Улар ниҳоятда эҳтиёткорлик қилишди. Бири-биридан чўчиб, бухороча кураш усулларини, чилни деярли ишлата олмадилар.

Рақиблар бир-бирини йиқита олишмагач, ким ғолиб эканлигини аниқлаш ҳакамлар ҳукмига ҳавола этилди. Майдондаги ҳакам Жовли Саттаров Ўрол Тўраевнинг ҳаракатлари дадил бўлганлигини кўрсатди ва уни ғолиб деб эълон қилди.

Шундай қилиб, Қумқўрғон туманининг «Оққапчиғай» хўжалигида яшовчи Ўрол Тўраев мутлақ ғолиб, миллионер полвон номига сазовор бўлди.

Икки кун давом этган кураш шуни кўрсатдики, юртимизда алпомишлар — полвонлар кўп экан.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

СУРАТЛАРДА: беллашувдан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН
олган сувратлар.

(Боши 2-бетда).

У зўр бериб тортган эди, гўё кўзларимдан ўт чиқиб кетаёзди назаримда, иккита бармоғим узилай-узилай деб кўнглим беҳузур бўлиб борарди. Кўйлагимнинг бир парчаси поччамнинг қўлларида қолди, мен дуч келган томонга қараб қоча бошладим...

Нега қочдим? Бу саволни ўзимга минг марталаб берган бўлсам, бордир. Лекин унга жавоб излаб шунча қийналганлигим ҳам рост. Нима қилайин, ўша пайтда жон кўзимга ширин кўриниб кетдими, билмайман. Ўшандан бери ич этимни еб яшайман, энди умр бўйи ўзимни ўзим кечиролмасам керак. Ҳа, мен тасодифан тирик қолган, аслида эса, марҳум бир одамман, холос».

ТЎРТИНЧИ ЖАБРЛАНУВЧИ: «ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ»

Бу жабрланувчи муайян бир шахс эмас. У суд ҳайъати, у — ҳукм! Баъзи эҳтиросларга берилиб, суд ҳайъатини ҳам жабрланувчилар қаторига қўшиб қўйганлигим, эҳтимол, унчалик тўғримасдир. Лекин, жамиятда, тузумда амал қилиб турган Қонунларни менсимаган, унга риоя этмаган ва ниҳоят ўз қилмишлари билан кўпчиликка, оммага зиён-заҳмат келтираётган киши Қонунчилар учун ким саналади? Худди шу ўринда Қонунчининг ўзи-чи?

«Ўзбекистон Республикаси номидан ҲУКМ.

Раислик этувчи Фарғона вилояти суди раисининг биринчи ўринбосари М. Сулаймонов, халқ маслаҳатчилари А. Солмонов, Т. Йўлдошевлардан иборат таркибда, Й. Тоштемировнинг котиблигида, томонлардан вилоят прокурори Ё. Жалолов, оқловчи З. Охуновалар иштирокидаги жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуининг 80-моддаси, 4-, 6- ва 8-бандлари, 15-, 80-моддасининг 4-, 6-бандлари билан айбланиб, судга берилган Орипов Хотам Ҳамидовични айблаш бўйича 2/11-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Орипов Ҳотам Ҳамидович 1961 йилда Фарғона шаҳрида туғилган, миллати — ўзбек, маълумоти ўрта ,ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Фарғона пахта тозалаш заводида тракторчи бўлиб ишлаб келган...

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида мазкур «иш»га доир материалларни текшириб, қуйидагиларни аниқлади:

...Судланувчи Орипов Ҳотам Ҳамидович айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда, қасддан ва жуда раҳмсизлик билан икки кишини ўлдириш ҳамда учинчи шахсни ўлдиришга уриниш жиноятларини қуйидаги ҳолларда содир этган:

1985 йилда судланувчи Ҳ. Орипов Муҳаббат Маъсуджонова билан қонуний никоҳдан ўтган, икки нафар фарзандли бўлган. Турмуш давомида улар ўзаро тез-тез жанжаллашиб келишган. 1992 йилнинг 23 сентябрь куни Орипов катта фарзандининг касалликка чидамсиз бўлиб қолаётганлигини айтиб, хотини М. Маъсуджоновани ишга бормасдан болалар тарбияси билан шуғулланишини талаб қилади. Эртаси куни уйига тушлик қилиш учун келган Орипов фарзандларининг яна қаровсиз қолганлигини кўриб, ғазабланади, ва шу пайтда уйларига кириб келган қайнонаси Абдураҳмонова Хадичахонга турмуш ўртоғининг бепарволигидан нолиб гапиради. Шундан сўнг Х. Абдураҳмонова набираларининг тарбиясини ўз гарданига олиб, уларни уйига олиб кетади. Эртаси куни Орипов қайнонасининг уйидан болалари ва хотинини олиб келиш учун борганида унинг хотини Маъсуджонова бош тортади, қайнонаси эса эр-хотиннинг ўртасига тушиб, қизи бундан буён у билан бирга яшамаслигини айтади. Улар ўртасида жанжал бошланади. Бундан ғазабланган Орипов қайнонаси ва хотинини ўлдириш мақсадида ўз уйига қайтиб келади ва яқиндагина бозордан сотиб олган пичоғини ёнига олиб, яна юқоридаги манзилгоҳга қайтиб келади. Соат 13 лар чамасида хотини Маъсуджонова вақтинчалик яшаб турган хонага киради. Унинг орқасидан кириб келган қайниси Б.

Маъсуджоновни алдаб ҳовлига чиқиб туришини, опасида зарур гапи борлигини уқтиради. Хотинидан уйга қайтиш ҳақида яна рад жавобини эшитгач, М. Маъсуджонованинг баданига, тўғри келган ерига ўта раҳмсизлик билан ЎН ТЎРТ МАРОТАБА — (таъкид бизники — муаллиф) пичоқ уради, Олган жароҳатининг ўта оғирлиги боис Маъсуджонова ўша ернинг ўзида вафот этади.

Қизининг бақирганини эшитган Х. Абдураҳмонова ва Б. Маъсуджоновлар воқеа юз берган хонага кириб келишади. Ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттираётган Орипов қайнонаси Х. Абдураҳмоновага ташланиб, унинг ҳаёти учун муҳим бўлган бўйин қисмининг ўнг томонига пичоқ уриб, кекирдак ва томирини узиб ташлайди. Натижада Абдураҳмонова уйнинг ҳовлисига отилиб чиқиб, жароҳати оғирлиги туфайли вафот этади. Шундан сўнг Орипов қайниси Б. Маъсуджоновни ҳам ўлдиришни мақсад қилиб, унинг кўйлагидан ушлаганча ўзига тортади. Б. Маъсуджонов ўзини ҳимоя қилиш мақсадида судланувчининг қўлидаги пичоғини ушлаб қолади. Устки кийимларининг йиртилиши оқибатида у Ориповнинг исканжасидан қутулиб қолади ва бунинг натижасида Маъсуджоновнинг чап қўли тўртинчи ва бешинчи бармоқлари кесилиб кетади... Суд тиббий экспертизанинг ноябрь ойидаги хулосаларига кўра ҳар учала шахсга тааллуқли бўлган жароҳатлар ўткир тиғли пичоқ орқасидан етказилганлиги тасдиқланган...

Юқоридагиларга кўра судлов ҳайъати **Ўзбекистон Республикаси ЖПМнинг 279- ва 285-моддаларига асосан**

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

«№ 1. Судланувчи Орипов Ҳотам Ҳамидович Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 80-моддаси 4- ва 6-бандлари ҳамда Жиноят Мажмуасининг 15-, 80-моддаларининг 4-банди билан айбдор деб топилсин.

№ 2. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 80-моддаси 4- ва 6-бандлари билан Орипов Ҳ. Ҳ. га олий жазо — ўлим жазоси белгилансин.

№ 3. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 15-, 80-моддалари 4-банди билан 8 (саккиз) йил озодликдан маҳрум этилсин.

№ 4. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 40-моддасига асосан, жазоларнинг енгил оғирроғи билан қопланиб, ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 80-моддаси 4- ва 6-моддалари билан тайинланган олий жазо — ўлим жазоси қолдирилсин....

Раислик этувчи: Сулаймонов М. Х.

Халқ маслаҳатчилари:

Солмонов А.
Йўлдошев Т.»

БЕШИНЧИ ЖАБРЛАНУВЧИ: «ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ — ДОКА РЎМОЛНИНГ ҚУРИШИ»-МИ?

Бешинчи жабрланувчи. Уларнинг саноғи йўқ. У — мен, у — Сиз, у — одамлар... Икки аёлни ҳаётдан бевақт олиб кетган «совуқ қурол»нинг излари Сиз билан Бизнинг юракларимизга ҳам маънан санчилди. У азоб беряпти. Кечаги, ўтган кунги ёки ўн йил олдин олган жароҳатларимиз битмасидан туриб навбатдагиси.

Узоқ Фарғонанинг чекка бир қабристонида ёнма-ён иккита қабр дўппайиб турибди. Улар бир кунда, деярли бир соатда пайдо бўлди...

Халқда «эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши» деган гап бор. Ўйлаб қоласан, ростданам шунақамикан? Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади дейишади яна. Тўғримикан? Билмадим, билолмадим. Менимча, уларнинг атрофида бироз мулоҳаза қилиш зарурга ўхшайди. Биз жамият тараққиёти, давлатнинг мустаҳкамлиги, қут-барака ёки аҳиллик тўғрисида ваъзхонлик қилмоқчи бўлсак, албатта, оилани мисол қилиб келтирамиз:

— Давлат ҳам, жамият ҳам худди оиладек гап. У мустаҳкам бўлса, жамиятнинг мустаҳкам бўлгани шу, давлатнинг давлати шу. Чунки, оила бизнинг жамиятимизнинг кичик бир ячейкасидир...

Чиройли гап. Лекин, кўпинча ана шу чиройли гап бояги мақолнинг соясида қолиб кетади. Оилавий можаролар аслида жамият можароси эканлигини ё атайин, ё тасодифан унутиб қўяверамиз. Нега шунақа? Оила билан ким шуғулланади? Фақат эр-хотинларнинг ўзларими? Оиладаги низоларни ким ҳал қилади? «Маҳалла-кўй, жойлардаги ҳокимиятда» демоқчисиз, шундайми? Бу ўринда Сиз ҳақсиз. Аммо, юқоридагиларга ўхшаган катта-кичик жанжаллар, фожеаларнинг чеки кўринай демаяпти-да! Ўша машъум воқеа содир бўлмасидан илгари Ҳотамнинг, Муҳаббатнинг, Хадича холалару Ботиржонларнинг атрофида ҳам маҳалла бор эди, Қишлоқ Кенгаши, керак бўлса, унинг айнан мана шу соҳа билан шуғулланувчи доимий комиссиялари ҳам, оқсоқоллар ҳам, кайвони онахонлару, хотин-қизлар Кенгашлари ҳам бўлган. Хўш, бир эмас, икки нафар аёлнинг фожеаси рўй бермаслиги мумкинмиди, деган ҳақли саволни кимга беришимиз керак энди. Қотилгами? Жабрланувчиларгами? Кимга?

«Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши» деган нақл айбдорларни, ҳақиқий томошабинларни эл кўзидан яшириб қололармикин? Йўқ! Ғишт қолипдан кўчганидан кейин улар билан тортишиб ўтиришнинг ҳам, панд-насиҳатларнинг ҳам аслида ҳожати қолмайди. Бироқ, аҳвол шу тарзда давом этаверадиган бўлса, бунақа бемаъни тортишувларга ҳали-вери чек қўйилмайдиган кўринади. Фожеалар эса нимагадир давом этаверади. Унинг олдини олиш ҳақида доим ҳам ўйлаб кўрилмайди. Кутилмаган қотилликлардан сўнг эса кўзимиз бирдан очилгандай бўлади. Аммо...

Рустам БОЙ МУҲАММАД,
«Туркистон»нинг ўз мухбири.

Газета саҳифаланаётганда

ЯХШИ ЎҚИНГ, ПУЛ БЕРАМИЗ

БАЛКИ бу кимларгадир эриш туюлар ҳам. Ё кулиб қўяр: «Хўш, нима қипти, аълочи ўқувчига пул беришса, беришибди-да», деб. Лекин бундай саховат ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Тўғриси, фарғоналик собиқ афғончилар шундай савобга қўл урдилар.

Моҳирбек Усмонов раислик қилаётган Охунбобоев туманидаги афғон уруши қатнашчилари уюшмаси мақсадсиз урушда ҳалок бўлган дўстлари номига қўйилган иккита мактаб болалари учун махсус стипендия таъсис этдилар. Ҳамиджон Абдураҳмонов ҳамда Умаржон Содиқовлар номига қўйилган мактабларнинг энг аълочи ўқувчиларига ҳар ойнинг охирида ва чорак сўнгида 500 сўмдан мукофот берилаяпти. Бу аввало уларнинг эртанги кун эгаларига бўлган меҳр-муҳаббатлари бўлса, иккинчидан ўз қуролдошларининг руҳларини шод қилаётганликларидир.

(Ўз мухбиримиз).

Келгуси сонда:

- ● МУНОЖОТ — ИЛТИЖО ҚИЛМОҚ ДЕГАНИ.
- ● ЧАВАНДОЗНИНГ ХОФИЗ БОЛАСИ.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. — 21.00.